

БЕРНАРД ШОУ

ИСЛОМ ВА УНИНГ ЭЛЧИСИ

ҲАЗРАТИ РАСУЛУЛЛОҲ ҲАҚИДА

Жорж Бернард (1856.26.7, Дублин 1950.2.11, Эйот-Сент-Лоренс) — инглиз ёзувчиси, драматург. Нобель мукофоти лауреати (1925). 1871 йилда диний мактабни тугатгач, бирмунча вақт руҳоний бўлиб ишлаган. 1876 йилда Лондонга кўчиб бориб, журналистика ва бадиий ижод билан шуғулланган. Дастлабки романлари — «Миси чиққан никоҳ», «Артист севгиси», «Кэшел Байроннинг касбкори», «Ҳаваскор социалист» 1881—83 йиллар чоп этилган.

Шоунинг «Тул хонадонлари» (1882), «Юракхўр» (1883), «Уоррен хонимнинг касбкори», (1884) илк пьесалари саҳна юзини кўра олмаган. Шу боис муаллиф уларни «Ёқимсиз пьесалар» (1898) номи билан нашр этган. Шундан сўнг Шоунинг «Ёқимли пьесалар» («Қурол ва инсон». Кандид», 1894; «Тақдир арзандаси», «Яшасак — кўрармиз», 1895) ҳамда «Пуританлар учун учта пьеса» («Шайтоннинг шогирди», 1896—97; «Цезарь ва Клеопатра», 1898; «Капитан Брасбунднинг мурожаати» эълон қилинган. Ушбу пьесаларни яратиш жараёнида Шоунинг драматургик методи узилкесил шаклланган ва у «ғоялар драмаси» сифатида шуҳрат қозонган замонавий драматургиянинг асосчиларидан бири бўлиб қолган. Жаҳон драматургия тарихига сермахсул драматурглардан бири сифатида кирган Бернард Шоу 30 дан зиёд саҳна асарларини яратган. Унинг «Пигмалион» (1913), «Юраклар вайрон бўлаётган хонадон» (1913/19), «Олма ортган арава» (1919), «Мафусаил сари орқага» (1918—20), «Авлиё Иоанна» (1923), «Ёмон бўлса ҳам, ҳақиқат» (1931), «Миллионер аёл» (1936), «Женева» (1938), «Яхши қирол Карлнинг олтин кунларида» (1939) каби асарлари рангбаранг мавзуларга, турли жанр кўринишларига эга бўлиб, унда тарих ва жамиятда рўй берган воқеалар янгича талқин этилган, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни турли нуқтаи назардан кўрсатишга қаратилган.

Шоунинг гуманизм ғоялари билан суғорилган драматургияси 20-аср адабиётида муҳим воқеа бўлган, жаҳон драматургияси ва театрининг кейинги тараққиётига катта туртки берган. Айрим пьесалари ўзбек тилига таржима қилинган.

■ Хайрат берувчи қувватга эга бўлгани учун Муҳаммад динига нисбатан анчадан бери чуқур ҳурмат билан қарайман. Менга шундай туюладики, Ислом дини тинмай ўзгараётган ҳаётнинг турли лавҳаларига ва ҳар даврга мос келадиган фикрлари бор ягона диндир. Мендек машҳур кишиларнинг келажак ҳақидаги фикр ва тушунчаларига аҳамият бериш керак. Мен Исломиятни эртанги Европа қабул қилишини сўйладим. Ўрта асрдаги черков ўз ҳасадлари ва жоҳилликлари сабабли Исломиятни қора ранглар билан тасвирлади. Улар Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг динидан ҳам нафратланиш руҳида тарбияландилар. Уларнинг наздида Муҳаммад (с.а.в.) «Антихрист» (Исонинг душмани) эмиш.

■ Муҳаммад!.. Бу фавқулодда инсоннинг ажойиб ҳаётини ўргандим. У Исо душмани эмас, балки бутун инсониятнинг қутқарувчисидир. Агар унга ўхшаган бирор инсон бугунги дунёнинг бошқарувини қўлига олса, аниқ ишонаманки, инсониятни тинчлик ва саодатга элтади.

■ Муҳаммад пайғамбарларнинг энг улуғидир. Агар у бугунги дунёнинг ҳукмдори бўлганида эди, инсониятнинг барча муаммолари тугунини тадбир ва заковат ила бир-бир ечарди.

■ Муҳаммаднинг дини аҳли башар учун барча даври замонларда асқотадиган ягона дин эканлигига ишонаман. Бу дин инсониятнинг барча наслари таважжуҳини ўзига жалб қила олиш қобилиятига эга.

■ У Ҳижоз минтақаси аҳолисини қабилавий жанг-жадаллар чангалидан қутқарди. Уларни миллий бирдамликка эриштирди. У сафсата сотувчи маст-аласт қавмни парҳезкор қавмга, қонунсиз бир жамиятни тартиб-интизомли жамиятга, ахлоқсиз тубан ҳаётни энг олий инсоний ахлоқ-одоб ҳукмрон бўлган жамиятга айлантирди

■ Кези келганда айтишимиз керакки, ўн тўққизинчи юз йилда Чарлиле, Гёте ва Гиббон каби олим ва ёзувчилар Муҳаммад (с.а.в.) динида ҳақиқий қиймат кўрдилар. Шу зайлда Европа Исломиятга нисбатан бошқачароқ муносабат билдира бошлади. Бугунги Европа бу йўлда яна-да олдинга бормоқда ва Муҳаммад (с.а.в.) динига ошиқ бўлмоқда. Келажак асрда бундан-да илгарилаб кетади. Европа барча муаммо ва дардларидан қутулиш учун бу диннинг қандай муҳим восита эканини билади. Менинг тушунчамнинг мана шу жиҳатини англашингиз керак. Ҳозирда ҳам менинг ватандошларим ва бошқа европалик бир қанча кишилар Муҳаммад (с.а.в.)нинг динини қабул қилдилар.

■ Агар Муҳаммаддек (с.а.в.) бир одам ҳозирги дунёни бошқарганида эди, бу дунёнинг мушкулотларини ҳал қилишга у муваффақ бўлар эди, бу эса, ўз навбатида, ҳозирги дунёга етишмаётган хотиржамлик ва бахтни олиб келган бўларди.

■ Мусулмонларнинг намози икки мингинчи йилда дунё тиббий тавсияномаларидан жой олади.

■ Черковлар оддийлик ва содда кўнгилли бўлишни ўргатганларидай ўзлари ҳам ўрганишлари керак...

■ Мабодо бирор бир дин кейинги 100 мобайнида Англияни, қолаверса бутун Европани бошқариш имкониятига эга бўлса, бу фақатгина Ислом бўлиши мумкин.

- Дин бизни жасоратли қилади, динсиз барчамиз қўрқоқмиз.
- Дин ягонадир, аммо унинг юзлаб қиёфаси бор.
- Парвардигор биз учун гўзал дунёни яратди, аммо биз уни вайрон этаяпмиз.
- Эътиқод бўлмаган жойда мунофиқлик уйғунлик бўлади, билим бўлмаган жойда билимсизликнинг исми билим бўлади.

БЕРНАРД ШОУ

ҲИКМАТЛАР

- Муваффақият бамисоли ўлимдир. Чўққига чиқдим деб қувонманг. Чўққининг тўрт томони ҳам жар.
- Ҳеч нарса билмагач, гапириш қандай осон...
- Қул каби ўстирилганлар фақат қул каби бошқарилади.
- Ўз тилини билмаган одам бошқа тилни ўрганолмайди.
- Шоир фақат ижод столи олдида фаришта бўлмаслиги керак.

- Аслида модалар уюштирилган юқумли касалликдир. Бу сотувчиларнинг юқумли касаллик тарқатишини исботлайди...

- Ёшлигимда қилган ўн нарсамдан тўққизтасини муваффақиятсизлик билан якунланганини кўрдим. Муваффақиятсиз бўлишни истамадим ва шунинг учун мен ўн баробар кўпроқ ишладим.

- Агар Сиз бирор одамни ўқитиб, бирор нарсага ўргатмоқчи бўлсангиз, янглишасиз – у ҳеч нарсани ўрганмайди” .

- Мен ҳиссиётга хайрихоҳлик билан қарайман, бироқ ҳар қандай ақлий фаолият ва ҳалолликни ҳиссий жазавога берилиш билан алмаштирмоқни катта бало деб ҳисоблайман

- Ақлли одам дунёга мослашишга ҳаракат қилади, ақлсиз одам эса дунёни ўзига мослаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам тараққиёт доимо ақлсизларга боғлиқдир.

- Болаларни тўғри тарбиялаш учун ота-оналар фарзандларига аслидагидай кўриниши керак.

- Агар сизда битта олма, менда битта олма бўлса ва биз уларни алишсак, ҳар иккимизда биттадан олма қолади. Агар менда битта ғоя, сизда битта ғоя бўлса ва биз уларни алишсак, икковимизда ҳам иккитадан ғоя бўлади.

- Дунё ишламай пул топишни истайдиган бекорчилар, бойимасдан ишлашга тайёр нодонларга тўлиб ётибди.

- Ёшлигимда ёзганларим тўқис эмаслигидан жаҳлим чиқарди. Ўзимнинг биринчи қадамларимни бошқаларнинг сўнгги қадамлари билан солиштирар ва, табиийки, катта фарқни кўриб қайғуга тушардим.
- Бахт ортидан қувиб, уни топган одам бурни устида турган кўзойнагини қидириб, сўнг топиб севинган кампирга ўхшайди.
- Ёлғончига берилган жазо унга бошқалар ишонмай қўйгани эмас, у бошқаларга ортиқ ишона олмаслигидир.
- Жамиятга некбинлар ҳам, пессимистлар ҳам ҳисса қўшади. Оптимист самолётни ўйлаб топган бўлса, пессимист парашютни ихтиро қилган.
- Энг муҳими – қалбингда тартиб ўрнатиш. Учта нарсага амал қиламиз: нолимаймиз, айбламаймиз, ўзимизни оқлашга уринмаймиз.
- Ҳамма нарсага улгурадиган одамлар ҳеч қачон дангасалик қилмайдилар, керакли шарт-шароитни қидирадилар. Агар шароит йўқ бўлса, ўзлари яратадилар.
- Бахтни ишлаб чиқармай туриб истеъмол қилишга ҳаққимиз йўқ.
- Зарбангга жавоб бермаган одамдан қўрқ: у сени ҳеч қачон кечирмайди, кечириниш учун ўзига ўзи изн бермайди.
- Тасаввур ижоднинг бошланишидир. Истаганингизни тасаввур қиласиз; тасаввур қилганингизни истайсиз; ва ниҳоят, истаганингизни яратасиз.

■ Одамларнинг 2 фоизи – ўйлайди, 3 фоизи – ўйлаяпман деб ўйлайди, қолган 95 фоиз учун эса ўйлагандан ўлган афзал.

■ Эркакларни севинг. Сизнинг севгингиз улар учун жуда зарур. Ҳатто улар буни ҳеч қачон тан олмасалар ҳам. Ҳар қандай буюк эркакнинг ортида унга ишонган ва чинакамига севган аёл бор.

■ Идеал эркак ўз аёлини идеал деб ҳисобловчи эркакдир.

■ Унвонлар мамлакат учун катта хизмат қилган одамлар ҳақида халқни хабардор қилиш учун ўйлаб топилган.

■ Эркак ёки аёлнинг тарбияланганлик даражаси жанжал пайтида яққол намоён бўлади.

■ Одам мамлакат ва инсоният учун қилиши мумкин бўлган энг катта хизмат – болаларини тарбиялашидир.

■ Оптимистларнинг орзулари ушалади. Пессимистларнинг қўрқувлари.

■ Эркак ва аёлнинг дўстлиги бу – ё собиқ, ё бўлажак хушторларнинг муносабатидир.

■ Соғлом одам умуртқаси борлигини билмаганидек, соғлом миллат ҳам миллатчиликни билмайди.

- Имонсиз одамлар замонавий жамиятда ахлоқсиз ва пулга муҳтож аёлдан ҳам хавфлироқдир.
- Ғазабга минган ҳар дақиқангизда бахтнинг олтмиш сониясини бой берасиз.
- Ҳислар одамни фикрлашга мажбур қилади, лекин фикрлар ҳеч қачон ҳис қилишга мажбур этолмайди.
- Фаолият – билимга ягона йўл.
- Ҳаёт ўзингни топишдан эмас, ўзингни яратишингдан иборат.
- Соғлом фикр ва меҳнатсеварлик сиздаги истеъдодсизлик ўрнини босади, аммо даҳолардан даҳоси бўла туриб, аҳмоқлигингиз туфайли ўз ҳаётингизни барбод қилиб қўйишингиз мумкин.
- Унвон ва фахрий номлар мамлакат олдидаги хизматларини инкор қилиб бўлмайдиган, лекин шу давлатнинг халқи учун номаълум кишилар учун ўйлаб топилган.
- Одам ғиштга ўхшайди, куйган сари пишади.
- Обрў — одамнинг шим ёки пижак сингари кийиб юришига тўғри келадиган ниқобга ўхшайди.
- Табиат бўшлиққа тоқат қилмайди: одамлар ҳақиқатни билмаган жойларини уйдирмалар билан тўлдиришади.

- Ақлли одам дунёга мослашади; ақлсиз дунёни ўзига мослаштиришга уринади. Шунинг учун тараққиёт ҳар доим беақлларга боғлиқ.

- Эътиқоди йўқ бой одамлар замонавий жамиятда ахлоқи йўқ камбағал аёллардан анча хавфли.

- Энди, ҳавода қушдек учишни, балиқдек сув остида сузишни ўрганиб олганимизда, бизга фақат бир нарса етишмаяпти: ерда одамларга ўхшаб яшашни ўрганиш.